ПРОТОТИП НАЗАРИЯСИ ВА УНИНГ АСПЕКТУАЛ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

Ғ.Қ. Мирсанов

Мақолада аспектуалликни прототип назарияси доирасида ўрганишнинг назарий асослари ва уларнинг лексик хусусиятлари таҳлил этилган. Аспектуалликни тадқиқ этишдаги функционал семантик ва прототип назарияси асосидаги ёндашувларнинг фарқини очиб бериш мақсад қилинди.

***Калит сўзлар**: аспектуаллик, аспектуал семантика, чегараланганлик, чегараланмаганлик, прототип, семантик модель, тугалланганлик.*

В статье анализируется изучение аспектуальной семантики в сфере прототипов и предлагаются теоретические основы данного подхода. Основной целью поставлено – выявить отличие функционально-семантической теории от теории фреймов в исследовании аспектуальности.

***Ключевые слова**: аспектуальная семантика, аспектуальность, предельность, непредельность, прототип, законченность.*

The main plot of the article is the use of aspectual semantics in prototype theory and suggestions on the theoretical base in this approach. The main content of the article is to differentiate theoretical approaches on functional-semantic field and prototype in searching aspectuality.

***Key words**: aspectual semantics, aspectuality, telicity, atelicity, prototype, semantic model, terminativity.*

Прототип берилган категорияга хос турли параметрлар, вазифалар, умумий хусусиятлардан келиб чиқадиган шаклни ўзида акс эттирадиган лисоний ҳодиса саналади. Мазкур категория когнитив статусга эга эканлиги билан баҳоланади. У ўзининг тез-тез қўлланиши ва таснифий жараёнларда иштирок этиш хусусияти билан тез аниқланади ва хотирада сақланади.

Умумий планда прототип назарияси талқини борасида тилшунос олимларнинг қарашлари бир хил эмас. Жумладан, Дирк Гериартс прототип назарияси категориал структураларнинг критерияли бўлмаган концептларини ҳимоя қилади ва бошқа когнитив фанлар билан алоқадорликка эга [6.143-145], деган ғояни илгари сураркан, прототиплик лексик-семантик таҳлилда самаралироқдир, деган хулосага келади. А.Голдберг эса “олма мангога нисбатан прототип мева эмас, балки у нутқ ва матнда кўп қўлланади ҳамда мангога нисбатан дунёнинг кўп ўлкаларида етиштирилади ва шунинг учун ҳам меванинг прототипи саналади” деб фикр билдиради [7.207-229].

Лекин маъноларни қарама-қарши қўйиш орқали прототип хусусиятларни аниқлашга қаратилган фикр ва таҳлиллар ҳам мавжуд. Жумладан, А. Греймас маълум кўринишдаги қарама-қарши устунликка эга бирликлар прототип белгига эга бўлишини айтиб ўтади. Масалан: “баланд” ва “паст” ёки субстантивлар “ёруғлик” ва “қоронғулик”, “шакл” ва “субстанция”[2.79]. Аммо Н.Болдырев прототип маъноларнинг аниқланиши нисбий тушунча сифатида қаралиши, прототипларни фарқлаш ёки аниқ категорияларга киритишда иккиланишларга олиб келиши мумкинлиги борасида фикр юритаркан, объектив реалликда барча тушунчалар, категориялар нисбий қаралади, шунингдек, прототиплик ҳам, деган хулосани билдиради. Ушбу категориялар рефренциянинг когнитив маркази сифатида прототиплар атрофида шаклланади. Муаллиф, мазкур категориялар учун хос бўлган барча компонентлар уларда мужассам бўлиб, прототип орқали бутун категорияни англаш имкони пайдо бўлади, деб таъкидлайди [1].

Тилда, одатда, ҳолат ёки ҳодиса, ҳаракатлар ва улардаги ўзгаришларни “феъл” туркумидаги бирлик орқали ифодалаймиз. Феъллар отлар билан таққослаганда анча мавҳум саналади ва улар аниқлик ёки мавҳумлик даражасини ўзгартириши мумкин. Улар бизни ўраб турган оламдаги ўзгаришларни кодлайди [2.144]. Шунинг учун ҳам улардаги прототип хусусиятларни аниқлаш имконияти мушкуллик туғдиради. Жумладан, тана ҳолатини англатадиган прототип феъллар сирасига инглиз тилида to stand, to lie, to sit феълларини, уларнинг ўзбекча эквивалентлари сифатида *турмоқ, ётмоқ, ўтирмоқ* феълларини келтириш мумкин. Албатта, келтирилган феълларни стативлар гуруҳига киритувчилар ҳам учрайди. Аммо феъллар англатадиган маънони таҳлил этилаётган тил табиатидан келиб чиққан ҳолда тавсифлаш муҳим ҳисобланади. Чунки рус тилидаги ушбу феъл эквивалентлари (сидеть, стоять, лежать) статив хусусияти, грамматик шакл ясалишига кўра инглиз

ва ўзбек тилларидан фарқ қилади. Рус тилида ушбу феълларнинг маълум грамматик қўшимчалар ёрдамида тугалланган тус шакли ясалади (посидеть, постоять, полежать). Улар англатадиган ҳолат ўзгариши ёки аспектуал семантикаси грамматик шакл ёки умуман бошқа феъл (вставать, сесть) ёрдамида берилади.

Прототипликни феъл семантикаси, жумладан, аспектуаллик доирасида тадқиқ этишга қаратилган ҳаракатлар мавжуд. Жумладан, О.А. Кочетова аспект семантикасини тадқиқ этишда "прототип" ёндашувни инвариантлик ғояси билан таққослайди. Унинг фикрича, прототип тус маънолари тус оппозициясининг когнитив маъно мазмуни таркиби аналитик тус-синтетик тус; грамматик тус – хатитатив тус каби диатеза шаклларида аниқланади.

О.Кочетова прототип белгилар сифатида перфект прототиплари, континуаллик прототиплари, аспектуал нейтраллик прототипларини санаб ўтади. Унинг фикрича грамматик шакллар орасида энг репрезентатив маънолар прототип маъно сифатида қаралади [3.12-23].

Назаримизда, инглиз ва ўзбек тилларида прототип назарияси доирасида аспектуаллик ҳодисасини тадқиқ тамойилларини яратишда иккита йўл мавжуд. Биринчиси, феъллардаги мавжуд стативлик ёки динамиклик, чегараланганлик/чегараланмаганлик хусусиятларини прототип хусусиятлар сифатида тан олиш ва шунга кўра феълларнинг асосий статив ёки динамик гуруҳларини ажратиш, прототип феълларни аниқлаш ёки аспектуал маънога (бошланиш, давомийлик, тугалланиш, такрорланувчанлик) эга бўлган феълларни прототип сифатида тан олиш.

Аммо, фикримизча, инглиз тилидаги to be феълининг прототипи "ҳолат" ҳисобланади, кўмакчи феъл сифатидаги белгилари эса иккиламчидир. Айнан to be феълининг прототип белгисини у бажарадиган кўмакчи вазифаларига таққослаш орқали белгилаш мумкин. Жумладан, В.Эвенс *resemble* феълини прототип статив феъллар турига киритади. Муаллифнинг фикрича, статив феъллардан фарқли ўлароқ, динамик феъллар ички ўзгариш (мисол учун, *grow*), ёки ҳаракатни (*eat*) қамраб олади. Шунингдек, у феълнинг дуратив ва пунктуал (лаҳза) турларини ажратар экан, дуратив турга вақт жараёнида давомли маъно англатувчи феъллар (масалан, *resemble, love, grow*) тегишли деб ҳисобласа, пунктуал гуруҳга тегишли феълларнинг бошланган заҳотиёқ тугалланадиган, яъни лаҳзада содир этилиб якунланадиган турга киритади (масалан, *flash*). В.Эвенс аспектуаллик доирасидаги мулоҳазали жиҳатлардан бўлган чегараланганлик ва чегараланмаганлик борасида (telicity ва atelicity) феълларнинг динамик ва статик хусусиятларига қараб ажратади. Жумладан, табиий якуний хусусиятга эга динамик феълларни (масалан, *die*) у чегараланган, статик хусусиятли *love* чегараланмаган воқеа/ҳодисани англатади, деган фикрни билдиради. Муаллиф, феълларни ёлғиз ҳолда олиб бирор бир аспектуал вазият турини аниқлаш нотўғри йўл деб қарайди. Гап доирасидаги тўлдирувчи, темпорал равишлар ҳам феълнинг аспектуал имкониятларни очиб беришини таъкидлаб ўтади. У аспектуал фарқни МАКОНдан кўра ВАҚТнинг чекланганлик хусусиятига кўра фарқлаш маъқул, деб ҳисоблайди [5.631-634].

Албатта, феълларни турли хусусиятларига (лексик-семантик, грамматик, акционсарт) қараб таснифлаш, гуруҳларга ажратиш борасида етарлича ишлар амалга оширилган. Лекин мазкур таснифларда тил бирликларининг фақатгина лисоний хусусиятларига таянилган. Прототип назарияси нуқтаи назаридан эса феъл бирликларининг умумий ёки хусусий жиҳатларининг ёритилиши, аниқланиши бевосита когнитив жараёнлар билан боғланган тарзда амалга оширилиши кўзда тутилади.

Шунингдек, Р. Дирвен ва М. Верспур содир этиладиган ҳодисани англатувчи прототип феъллар туркуми мавжудлигини таъкидлашади ва *be*, *happen*, *do*, *feel*, *see* ва бошқаларни шу таркибга киритишади [4.78].

Келтирилган изоҳлардан англашиладики, прототип назариясининг бош мақсади маълум табиий тил бирликларининг туб маъносини аниқлаш орқали ядроли ва перифериялари жиҳатларига эътибор беришдир. Прототип назарияси шу даврга ча маълум синфга оид сўзлар ва уларнинг умумий хусусиятлари доирасида талқин қилиб келинди. Албатта, маълум таҳлиллар сўзларнинг морфологик белгилари доирасида ҳам олиб қаралганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Лекин ҳозиргача маълум грамматик категория прототип назарияси нуқтаи назаридан талқин қилиниши борасида бирор бир ҳаракат кузатилмайди. Шундай бўлишига қарамасдан, кесим ёки эганинг прототипи нимадан иборат бўлиши мумкинлиги ҳақидаги саволга жавоб топиш ҳам қизиқарли эканини инкор этиб бўлмайди. Ёки лисоний назарияларда мавжуд бўлган дейксис, валентлик, аспектуаллик ва ҳатто гендер тушунчалари доирасида прототип белгини аниқлаш эҳтимоли мавжудлиги ҳақида ўйлаб кўриш муҳим. Албатта, маълум грамматик белгининг прототипини аниқлаш бир тил доирасида кечмаслиги муҳим саналади.

Аспектуал маънони англатувчи тил бирликлари барча тилларда учраши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳаракат, вазият, ҳодисаларнинг бошланиш, давомийлик, тугалланиш хусусиятларини англатувчи тил бирликларини аспектуал прототип тил бирликлари деб талқин қилиш имконини беради. Хусусан, инглиз тилидаги бошланганлик маъносини англатувчи *to begin, to start, to commence,* феълларига инхоатив аспектуал прототип феъллари атамасини қўллашимиз мумкин. Ўзбек тилида бўлса *бошламоқ,* феъли мисол бўла олиши мумкин.

Тугалланган прототип аспектуал феъллар (инглиз тилида*): to finish, to end, to accomplish, to cease, to bring out etc.*

Тугалланган прототип аспектуал феъллар (ўзбек тилида); *тугатмоқ, битирмоқ, якунламоқ, ниҳоясига етказмоқ* ва бошқалар. Шу билан бирга чегараланган аспектуал прототипликка тугалланиш маъносини қамраб олувчи аналитик шаклларни ҳам киритишимиз мумкин: ўқиб чиқмоқ, ўқиб битирмоқ ва бошқалар.

Давомли прототип аспектуал феъллар (инглиз тилида*): to continue, to go on etc* .

Давомли прототип аспектуал феъллар (ўзбек тилида): *давом эттирмоқ, тезлаштирмоқ ва бошқалар.*

Аспектуалликнинг прототип хусусиятларини аниқлашда ҳозирда маълум бўлган лексик нуқтаи назардан ёндашиш прототип назарияси моҳиятига мос келади ва бу тиллардаги прототип феълларнинг универсал таркибини аниқлаш имкониятини яратади.

Адабиётлар:

1. Болдырев Н.Н. Прототипическая семантика как метод лингвистического анализа. boldyrev.ralk.info/dir/materia

2. Греймас А.-Ж. Структурная семантика: Поиск метода / Перевод с французского Л. Зиминой. - М.: Академический Проект, 2004. – 368 с.

3. Кочетова О. А. Когнитивное моделирование семантики вида (на материале современного английского языка). Автореферат дисс.канд. филол.наук. Кемерово – 2008. - 25с

4. Dirven Rene, Marjolijn Verspoor. Cognitive Exploration of Language and Linguistics. John Benjamins Publishing Company. Amsterdam_/_Philadelphia. 2004. -290 p.

5. Evans Vyvyan and Green Melanie. Cognitive linguistics. An introduction. Edinburgh University Press, 2006. -851 p

6. Geeraerts Dirk. Cognitive Linguistics: Prototype theory. Prospects and problems of prototype theory. Basic Readings. Mouton de Gruyter. 2006. -496 p.

7. Goldberg A. Constructions at work. Oxford: Oxford University Press. 2006. -226 p.

Самарқанд давлат чет тиллар институти,
2015 йил 23 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. С.Раҳимов)